25 0795

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 20 июль, пайшанба. №87 (21.850.) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёнини кучайтириш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш механизмини соддалаштириш, республикага хорижий сармоялар оқимини рағбатлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти соҳасида рақобат муҳитини вужудга келтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасида нотариф чоралардан тариф асосида тартибга солиш чоралари сари босқичма-босқич ўтиш ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси:

— Ўзбекистон Республикасида ташқи савдони тариф ва нотариф асосида йўлга қўйиш тартибини белгиловчи ҳукумат қарорини бир ҳафта муддат ичида қабул қилиб, бунда меъёрланадиган ва лицензияланадиган товарлар рўйхати анча қисқартирилишини кўзда тутсин;

— таъриф асосида тартибга солиш чоралари юзасидан қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш мақсадида божхона ҳақи ставкаларини кўриб чиқувчи идораларо комиссия тузилсин. Комиссия заруратга қараб, божхона ҳақи ставкаларини ўзгартиришга оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун тақдим этсин.

3. 1994 йил 21 январдаги 745-сон фармоннинг товарлар импортидан бож ҳақи олишни бекор қилишга оид 14-бандининг амал қилиш муддати 1995 йил 1 октябргача узайтирилсин.

4. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари импортини нодавлат мулкчилик шаклларига асосланган ташқи савдо фирмалари тендер шартлари асосида амалга оширадилар.

Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи ташқи савдо фирмаларини давлат йўли билан рўйхатга олиш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги зиммасига юклансин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фирмаларга Ўзбекистон республика валюта биржасида пул алмаштиришда устун ҳуқуқ берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 1994 йил 21 январдаги 745-сон фармоннинг меъёрлашга, лицензиялашга, бож ҳақига ва экспорт чеклашларига тааллуқли 3, 4, 5, 6-иловаларининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори чиққан пайтдан бошлаб ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 19 июль.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

19 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг «Юнимед»» мустақил ахборот маҳкамаси мухбирлари Таиза Боск ва Эдриан Бэннокни қабул қилди.

Ислом Каримов журналистларни юртимизга ташрифи билан қутлаб, уларга мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш, халқаро ҳамжамият билан интеграциялашув йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.



Суратда: қабул пайти.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Буюк Британиялик журналистлар «Таймс» газетаси буюртмасига кўра мақолалар тайёрлаш учун мамлакатимизга ташриф буюришганини таъкидлаб, бир ҳафта давомида Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар билан танишганларини қайд этдилар.

Қабул маросимида Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ КОТИБИЯТИДА

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда партия вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама қилинди. Зеро, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида республика раҳбарияти амалга ошираётган ислоҳотлар йўлини изчил қўллаб-қувватлаш имкониятлари, мазкур йўналишда партиямиз ташкилотларининг бир маромда ишлаб туриши ва оммага сиёсий таъсир кўрсатиш даражаси, кўп жиҳатдан, унинг молиявий аҳволига боғлиқдир. Котибият, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП барча тузилмаларини ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга асосан ўтказилганлиги, улар томонидан жойларда ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини кенг кўламда йўлга қўйиш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар партиямиз ташкилотлари сиёсий тадбирлари учун етарли миқдорда маблағлар ажратишга муайян негиз яратганлигини қониқиш билан қайд этди.

Аммо, деб таъкидланди йиғилишда, жорий йил биринчи ярми натижалари шуни кўрсатмоқдаки, қатор сабабларга кўра, айрим маҳаллий партия ташкилотларининг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Партиямиз Низоми, унинг навбатдан ташқари II қурултойи талаблари ҳамда вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари котибларининг яқинда ўтказилган минтақавий семинар-кенгашлари тавсиялари асосида уларнинг иқтисодий аҳволини ўнглаб олишига дахлдор шошилинч чора-тадбирлар кўриш, жумладан, ХДП кенгашлари ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини янада яхшилаш, бу ишда юксак самарадорликка эришиш, мазкур соҳадаги зарур натижалар учун партиямиз фаоллари ва етакчиларининг масъулиятини ошириш муҳим вазифалардан бирига айланди.

Котибият барча даражадаги ХДП маҳаллий кенгашлари ва ташкилотлари диққат-эътиборини партия ички интизомини янада мустаҳкамлаш, аъзолик бадаллари тушумини аниқ ҳисобга олиш ҳамда унинг устидан таъсирчан назорат ўрнатишнинг самарали тизимини вужудга келтириш зарурлигига қаратди. Жойларда партия кенгашлари ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини авж олдириш борасида тўплаган тажрибаларни умумлаштириш, уларни ҳамма партия ташкилотларининг мулкига айлантириш лозим, деб топилди. Шу билан бирга, бундай фаолиятнинг янги йўналишларини излаш, синаб кўриш ва амалиётда жорий этиш, ҳали етарли даражада фойдаланмаётган имкониятларни тўла-тўкис ишга солиш, бунинг воситасида эса, партия ташкилотлари, ходимларида бозор иқтисодиёти қўникмаларини ҳосил қилиш, жамиятдаги моддий турмуш муаммоларини ҳал этишга муносиб амалий ҳисса қўшиш ва, айни пайтда, айрим ташкилотларимиз, ходимларимиздаги боқимандалик кайфиятларидан тезроқ қутулишга эришиш мақсадга мувофиқдир. Кўриниб турганидек, таъкидланди котибият йиғилишида, бу масала биз учун нафақат молиявий, балки, бир вақтнинг ўзида муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ҳам моликдир. Шу муносабат билан, ишлаб чиқариш, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаларида замонавий, рақобатбардош корхоналар шаҳобчаларини бунёд этиш, қишлоқ жойларида эса, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга, уларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот даражасига етказишга ихтисослаштирилган ёрдамчи хўжаликларни, кичик корхоналарни вужудга келтириш айни муддао эканлиги алоҳида уқтирилди. Мазкур масала бўйича қабул қилинган ҳужжатда юқорида қайд этилган вазифаларни уддалаш билан астойдил ва изчил шуғулланиш барча даражадаги маҳаллий партия кенгашлари зиммасига юкланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 4 йиллигига бағишлаб ХДП ташкилотлари ўтказадиган суҳбатлар, учрашувлар, маърузалар, мулоқотлар, илмий-амалий анжуманлар, байрам шиорлари ва чақириқларининг Намунавий мавзулари ҳамда матнлари тасдиқланди. (Намунавий мавзулар рўйхати газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

Котибият йиғилишида, шунингдек, партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ва улар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТ РАИСИ В. ЧЕРНОМИРДИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин шу йил 26-28 июль кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Шу кўннинг нафаси

Ободончилик

БАЙРАМГА ҲОЗИРЛАНИБ

• НУКУС. (мухбиримиздан). Қорақалпоқ диёрида Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллик байрамини муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

— Тўйга тўёна билан деганларидек, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Жўлдошбой Суюнов, — шаҳар-қишлоқларимизда ободончилик ишларига алоҳида эътибор қиляпмиз. Жумладан, Нукус аэропортида нуфузли меҳмонларга мўлжалланган алоҳида зал бор. Хўжайли шаҳрида йилига 22 миллион шартли шиша идишлар ишлаб чиқарадиган завод, Берунийда жами 16 квартирали уй-жой, Амударё туманидаги Қипчоқ қўрғонида, Қўнғирот туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигида ҳар бири 844 ўринли, Хўжайли туманидаги «Қумжиққан» жамоа хўжалигида эса 70 кишига мўлжалланган даволаш профилакторийси каби масканлар фойдаланишга топширилди. Узунлиги 150 километрли қувурлар ётқизилиб, туман ва овулларга ичимлик суви келтирилади. Бир сўз билан айтганда меҳнаткашлар кайфиятини кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Кичик корхоналар

НОН, МАКАРОН, ҚАНДОЛАТ

• БУҲОРО (мухбиримиздан). Олот тумани ҳокимлиги билан ХДП туман кенгаши қўшимча иш ўринларини яратишга аҳамият беришмоқда.

Бир қатор меҳнат жамоаларида янги иш жойлари вужудга келтирилди. Бунинг учун 1-кўчма механизациялашган колоннада ун заводи, шоли оқлаш цехи ишга туширилди. «Олотсавдо» ва «Омад» ҳиссадорлик жамиятларида эса нон, макарон, қандолатчилик цехлари иш бошлади. Булар аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

Газлаштириш

ҚАМАШИ ДАШТЛАРИ БЎЙЛАБ

• ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Қамаши туманининг даштлари бўйлаб газ қувурлари ётқизиш, қишлоқларни арзон ёқилғи билан таъминлаш ишлари давом этмоқда.

Бундай ишларни амалга ошириш учун хўжаликларнинг маблағлари бирлаштирилиб, минг тонна момиғ ажратилган эди. Ана шу маҳсулот эвазига газ қувурлари келтирилмоқда. Айни пайтда «Фарғона» жамоа-ширкат хўжалигида қурилиш авжида. Йил охиригача 25 километргача газ қувурлари ётқизиш мўлжалланган.

Юнус УЗОҚОВ.

ФАХРИЙЛАР МАСЛАҲАТ МАЖЛИСИ

Нукусда Қорақалпоғистон фахрийларининг маслаҳат мажлиси бўлди. Унинг иштирокчилари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш, халқлар ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлаш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг муҳим омили эканини таъкидладилар.

Фахрийлар Туронзаминда элатлар ҳамжиҳатлигини тағин ҳам мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш ниятида муҳим тадбирларни белгилаб олдилар.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОШ МУҲАРРИРЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИ ТУЗИШ ҲАҚИДА БАЁНОТ

Марказий Осиё республикалари газеталарининг бош муҳаррирлари — 14-16 июль кунлари Бишкек ва Чўлпон ота шаҳарларида (Қирғизистон) бўлиб ўтган халқаро семинар иштирокчилари

— ушбу минтақа халқларининг ўзаро ишончи ва бир-бирини англашини кучайтиришга кўмаклашиш;

— ахборот алмашув соҳасида ҳамкорликни оширишнинг аҳамиятини тушуниб етиб;

— барча шаклдаги ахборотларнинг эркин ҳамда кенг тарзда тарқалмоғи учун кучларни бирлаштиришнинг зарурлигини ҳисобга олиб;

— умумий ахборот ҳудудини ривожлантириш ҳамда кенгайтириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё бош муҳаррирлари Ассоциациясини тузишга қарор қилишди.

Ушбу Ассоциация мақсадлари:

— оммавий ахборот воситаларининг турли шаклдаги ҳамкорлигига кўмаклашиш, маълумотларнинг кенг ва эркин тарзда тарқалиши, уларнинг ўзаро алмашинувини таъминлаш, шунингдек, умумий ахборот тизимларини ташкил этиш;

— информацион ҳамкорлик қилиш соҳасида янги йўналишларни ўрганиш ва топиш мақсадида оммавий ахборот воситалари делегацияларининг ўзаро алмашинувини таъминлаш;

— оммавий ахборот воситалари вакилларининг профессионал фаолият кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

— ахборотларнинг расмий, жамоат ва бошқа манбааларига рухсат этилишини таъминлаш, шунингдек, қонун йўли билан олинган бундай маълумотларни ҳар бир мамлакат ОАВ вакиллари тарқатишини таъминлаш;

— ташкилотлар ўртасидаги келишувлар доирасида ахборот узатиш билан боғлиқ техник ускуналар бўйича мутахассислар, журналистларнинг ўзаро тажриба алмашиш учун таклиф этилишларини қўллаб-қувватлаш;

— ҳозирги замон долзарб масалаларини ҳал қилишда минтақанинг журналистлари ҳамкорлиги ва ўюшишининг муҳим шарти сифатида барча турдаги ахборотлар билан ўзаро алмашишув.

Марказий Осиё республикалари газеталарининг Бош муҳаррирлари Ассоциацияси аъзолари бу янги ташкил этилган ташкилотнинг дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқадилар. Ассоциация мақсад-режалар, олдинда турган вазифалар, ҳамкорлик шакллари ҳамда бошқа масалалар аниқлаб берилган ушбу ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатади.

Ассоциация Марказий Осиё минтақасининг бошқа бош муҳаррирлари учун ҳам очиқ.

БАЁНОТ 1995 ЙИЛ 16 ИЮЛДА БИШКЕКДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

БИШКЕК АНЖУМАНИДА ИШТИРОК ЭТГАН ҚОЗОҒИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН БОШ МУҲАРРИРЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ БАРЧА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИГА МУРОЖААТИ

Қадрли ҳамкасблар!

Мамлакатларимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришларнинг муваффақиятли амалга ошуви кўп жиҳатдан бизга ҳам боғлиқ.

Умумий ахборот ҳудудини ташкил этиш мамлакатларимизнинг иқтисодий, маданий ва маънавий соҳадаги ҳамкорлиги ҳамда халқларимиз тараққиётини таъминлайдиган ҳал қилувчи омиллардан бири саналади. Мамлакатларимизнинг мустақилликка эришиши туфайли узаро ахборотларни изчил тартибда алмашиб туришнинг кўп қиррали ва аниқ механизмини такомиллаштиришга катта эҳтиёж туғилди.

Халқларимиз ЮНЕСКО қарорига кўра Манаснинг 1000 йиллиги, Абайнинг 150 йиллиги, шунингдек Амир Темурнинг келгуси йили буладиган юбилейини биргаликда нишонлайдилар. Бу ҳол бизнинг бирлигимиз ҳамда кўнгилларимиз кўнгилларимизга яқинлигининг яна бир ёрқин далилидир. Жамиятда рўй бераётган жараёнлар моҳиятини фақат матбуотгина очиб беролади. Матбуот жамият ва ҳукуматни бир-бирига боғловчи муҳим ҳалқадир. Оммавий ахборот воситаси ходимининг масъулияти, объективлиги, принципиаллиги, ҳалоллиги жамиятнинг бугуни ва келажагига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Мамлакатларимиздаги барча оммавий ахборот воситаларининг узаро ҳамкорлигига қўмаклашиш, миллатлараро тинчлик, минтақадаги барқарорлик устивор бўлмоғини таъминлаш мақсадларида биз — уч қўшни давлат нашрларининг бош муҳаррирлари сиз азиз ҳамкасбларга мурожаат қиламиз:

— Ижодий имкониятларимиз касб маҳоратимизни давлатларимизда рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни амалга ошириш йўлида халқларимизни бирлаштиришга сарфлаш;

— турли хил миллий ва бошқа худбинлик иллатларига, маҳаллийчилик, сиёсий экстремизмга қарши кураш, яхши қўшничилик ва халқларимизнинг анъанавий борди-келдичилик имкониятини кенгайтириш, тараққий топтириш;

— мамлакатларимиз аҳолисига кўп қиррали, объектив ахборотлар етказишлари учун кенг ва эркин имкониятлар яратиш, узоқ муддатли негиз ҳамда ташкил этилажак ахборот тизимлари асосида узаро ахборот алмашишни йўлга қўйиш;

— барча прогрессив жараёнларни қўллаб-қувватлаш, демократик ислоҳотлар, минтақада барқарорликни сақлаш, халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларни мустаҳкамлаш учун курашиш.

Биз барча ҳамкасбларимизни ҳақиқий демократик жамиятнинг бош омили — сўз ва матбуот эркинлиги принципларини ҳаётга тадбиқ этиш, касб бирдамлиги муштараклигини таъминлаш йўлида узаро масъулиятимизни янада теранроқ англашга ундаймиз.

ҚИРҒИЗИСТОН

РАМАТОВ Қурманбек, «Қыргыз Туусу» газетаси Бош муҳаррири.
МАЛЕВАНИЙ Александр, «Слово Кыргызстана» газетаси Бош муҳаррири.
АЙДАРКУЛОВ Мелис, «Эркин Тоо» газетаси Бош муҳаррири.
ҚАПАРОВ Нурали, «Кыргыз маданияти» ҳафтаномасининг Бош муҳаррири.
МУСТАФОЕВ Ҳасан, «Вечерний Бишкек» газетаси Бош муҳаррири.
СЕКСЕНБАЕВ Бакай, «Чуй баяны» газетаси Бош муҳаррири.
БЛИНДИНА Антонина, «Чуйские известия» газетаси Бош муҳаррири.
ҚОНОҚБАЕВ Талант, « Қутбилим» ҳафтаномаси Бош муҳаррири.
РАЕВ Султон, «Кыргыз Руху» ҳафтаномаси Бош муҳаррири.
АБИКЕЕВ Чолпонбек, «Аалам» газетаси Бош муҳаррири.
СУЛТАНБАЕВ Абдыкадыр, Қирғизистон Республикаси Журналистлар уюшмаси раиси.

ҚОЗОҒИСТОН

ОРАЗАЛИН Нурлан, «Эгемен Казахстан» газетаси Бош муҳаррири.
ДИЛЬДЯЕВ Григорий, «Казахстанская правда» газетаси Бош муҳаррири.
ЖАКСЫБАЕВ Ахат, «Қозоқ адабиёти» газетаси Бош муҳаррири.
СМАИЛОВ Камал, Қозоғистон Журналистлар уюшмаси раиси.
КУКУШКИН Андрей, «Панорама» газетаси Бош муҳаррири ўринбосари.
ГУРСКИЙ Анатолий, «Вести Казахстана» газетаси Бош муҳаррири.
РИСБЕКОВ Мадрид , Қозоғистон Журналистлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари.
ШАЙМЕТДЕНОВ Ербол, Қозоғистон Республикаси Олий Кенгашининг матбуот котиби.

ЎЗБЕКИСТОН

ЖЎРАБОЕВ Анвар, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Бош муҳаррири.
Азим СУЮН, «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири.
САФАРОВ Рубен, «Правда Востока» газетаси Бош муҳаррири.
СЕЙДАНОВ Қалдибек, «Нурли жол» газетаси Бош муҳаррири.
ЭРНАЗАРОВ Эркин, «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари Бош муҳаррири.
МЕЛИБОЕВ Аҳмаджон, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси Бош муҳаррири.
ЁҚУБОВ Неъмат, «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси Бош муҳаррири.
ҚАБИРОВ Лутфулла, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси.
НИЁЗОВ Шавкат, «Овози тожик» газетаси Бош муҳаррири.

• Халқаро конференция

АЁЛ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Тадбиркорлик, ишбилармонлик, бизнес... Бу сўзлар мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Марказий Осиё Республикаларида амалий мазмун касб этмоқда. Бундай ҳаётбахш фаолият тадбиркор, тежамкор ва уддабурон хотин-қизларни ҳам ҳаёт билан ҳамқадам бўлишга, иланишга ундамоқда.

Яқинда «Лиана» халқаро ассоциацияси ташаббуси билан Алмати шаҳрида «Аёл ва тадбиркорлик» мавзуида Марказий Осиё мамлакатлари хотин-қизларининг II халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Олималар, тадбиркор аёллар, турли жамоат ташкилотлари намояндалари, журналистлар жалб этилган мазкур тадбирда Ўзбекистондан ҳам вакиллар қатнашдилар. Жумладан, республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Диловар Насимова «Утиш даврида Ўзбекистон хотин-қизларининг аҳволи», Республика «Тадбиркор аёл» ассоциацияси директори ўринбосари Гулчеҳра Ҳамидова «Ўзбекистонда аёллар меҳнати билан боғлиқ кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг аҳволи» каби мавзуларда сўзлашди. Шунингдек, «Саодат» журналининг бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева, Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетининг проректори, профессор Гўзал Абдуллаева, республика савдо ва матлубот жамиятлари ходимлари марказий касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Клара Комилова ва бошқалар музокараларда сўзга чиқдилар. Жумладан, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар — оналарнинг роли ва аҳамияти, уларнинг мавқеини янада ошириш борасидаги хайрли ишлар, Республика Президенти Фармонлари асосида кўп болали ва кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган ёрдам ва ғамхўрликлар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Конференцияда хорижлик бизнесменлар, фирмалар раҳбарлари, социологлар, иқтисодчилар узларининг маслаҳатлари, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

А. САИДОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН СУҲБАТЛАР, УЧРАШУВЛАР, МАЪРУЗАЛАР, МУЛОҚОТЛАР, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНЛАР ВА БОШҚА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ

НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАРИ

Ўзбекистон давлат мустақиллиги — халқимизнинг улкан тарихий ғалабаси.

Мустақилликнинг тўрт йиллиги: ютуқлар, муаммолар, вазифалар.

Миллий истиқлол — Ўзбекистон буюк келажаги омили.

Чуқур истиқлолий ислоҳотлар ва бунёдкорлик йиллари.

Мустақиллик йиллари — ўз ўтмишимиз, маданиятимизни холисона билиб олиш даври.

Мустақиллик йиллари — ёш демократик давлатни қуриш, унинг сиёсатини фаол ишлаб чиқиш давридир.

Истиқлол ва миллий давлатчилик.

Мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш — ҳаётий зарурат, истиқлол талаби.

Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг асосий якун ва сабоқлари.

Ўзбек миллий пули — ифтихоримиз, мустақиллигимиз рамзи, эгаменлигимиз белгиси.

Туб ислоҳотларда фаол қатнашиш — ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз.

Ташаббус кўрсатиб, тадбиркорлик билан самарали ишлаш — мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти.

Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг устивор йўналишлари ва вазифалари.

Хусусийлаштиришни поёнига етказиш — умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига молик масала.

Ислоҳотлар муваффақияти — ўз қўлимизда.

Янгисини қурмасдан туриб, эскисини бузмайлик.

Биздан озод ва обод Ватан қолсин.

Юксак маънавият — тараққиёт пойдевори.

«Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракати — Марказий Осиё халқлари тарихий ва тақдирий муштараклигининг ифодаси.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси — жамиятимизнинг ислоҳотларга садоқатли, етакчи сиёсий кучи.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида Ўзбекистон ХДПнинг ўрни ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов китоблари — фуқаролик жамиятини бунёд этишда муҳим назарий асос ва дастурий қўлланмалардир.

Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш — мустақилликни мустаҳкамлаш омилларидан бири.

Аниқ мақсадли, кучли ижтимоий ҳимоя — жамиятимиз, давлатимизнинг муҳим вазифаси.

Демократия — Конституцияга, қонунларга риоя этиш, демакдир.

Ўзбекистон тарихида илк бор кўппартиялилик асосида ўтказилган сайловлар — демократиямиз ютуғи.

«Ўзбекистон янги аср бошида» дастурини ишлаб чиқиш — давр талаби.

Маҳалла — ҳаёт тарзимизнинг муҳим қадрияти, давлатимизнинг мустаҳкам аркони.

Миллий хавфсизликни таъминлаш тамойиллари.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси — юртимизда тинчлик кафолати.

Фуқароларимизда, жумладан, ёшларда келажакка ишонч, она-Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, ҳалол-поклик, сабр-бардошлилик, ижтимоий адолат ва маърифатга интилиш, миллий тикланиш ғоясига садоқат фазилатларини шакллантирайлик!

Юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик, тинчлик ва тотувликни асраш — ҳар бир ўзбекистонликнинг ватанпарварлик бурчидир.

Хусусийлаштириш — бозор иқтисодиёти калити

СОТИБ ОЛИНГ, БОЙ БЎЛАСИЗ

ёхуд тадбиркорлар таянчи

Яқинда Жалолқудуқ туманида кўчмас мулкнинг кимошди савдоси ўтказилди. Унда икки миллион сўмдан зиёд кўчмас мулкнинг сотилишига эришилди. Ҳатто савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларини қуриш учун турли ўлчовдан кичик-кичик ер участкалари ҳам савдога қўйилди ва юқори нархларда сотилди. Масалан, 43 квадрат-метр ер майдонининг қиймати 39 минг сўмга бориб етди.

Ана шундай хусусийлаштириш тадбирлари туман ҳокимлиги, туман партия кенгаши, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари томонидан амалга оширилаётир. Фикримиз исботи учун қуйидаги мисолларни келтириш кифоя қилади. Туманда кейинги бир йилда савдо, маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлов-сотув, тиббиёт, қурилиш соҳаларида, маҳаллий, енгил саноат, гўшт-сут, ёнилғи-энергетика мажмуалари, деҳқончилик-саноат уюшмалари бўйича 114 та йирик иншоотлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди.

Жалолқудуқ саноат, «Ойим» йигирув-тўқув, Ёрқишлоқ ипгазлама, Жанубий Оламушук ишчилар таъминоти, Сўфиқишлоқ пахта тозалаш, «Ойим» парандачилик, қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш каби очиқ ҳиссадорлик жамиятларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, сифати яхшиланаётир. Чунки мулк эгасини топмоқда. Пировард натижадан ҳамма манфаатдор. Эндиликда тадбиркорлар анча эркин ҳаракат қилишяпти. Илгаригидек тўрачилик тўсиқлари камаймоқда. Қисқаси, эркин рақобатга ўтмоқдалар.

Айниқса, тумандаги А. Темур номли, Т. Тошматов номли, «Ғайрат» ширкатлар уюшмаларида деҳқон фермер хўжаликлари муваффақиятли ишламоқда. Партия кенгаши уларнинг ибратли тажрибаларини оммалаштирмоқда. «Тадбиркор» банки томонидан ўз вақтида имтиёзли кредитлар берилиши таъминланмоқда. Банк билан фермер хўжаликлари ўртасида ҳеч қандай ғов-тўсиқ йўқ, аксинча ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Айни пайтда туманда 75 та чорвачилик иншооти бор. Улардан 41 таси нодеҳқон хўжаликларига хусусий мулк қилиб берилди. Яна бир мисол. Тумандаги 562 гектар токзордан 44 гектари деҳқон хўжаликларининг хусусий мулкига ўтказилган эди, тошлоқ, кам унумли токзорларнинг ҳосилдорлиги ҳам кўпайяпти. Демак, ер ҳақиқий эгасини топиб, унга нисбатан қаров кучаймоқда.

— Туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси ноиби Манзурахон Эгамова бизнинг барча таклифларимизга биринчи даражали иш деб қарайдилар,— дейди туман давлат мулкини бошқариш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, нодавлат корхоналарни тузиш, уларни рўйхатга олиш бўлимининг бошлиғи Ғуломжон Сотволдиев.— Шу боис бизнинг муаммоларимиз ўз вақтида бартараф этилади.

Ҳақ гап. Кўпгина тадбиркорлар ҳуқуқий масалаларда, бухгалтерия ҳисоб-китобларини юритишда, турли ҳужжатларни амалдаги қонунлар талабига мос тузиш, тайёрлаш ва керакли органларга тақдим этишда малакали мутахассислар ёрдамига муҳтожлигини яққол сезадилар. Шу заруриятни инобатга олиб, яқинда «Аудит-Файз» фирмаси тузилди.

Туманда биринчи бор хўжалик ва ташкилотларда фойдаланилмаётган автотранспорт воситалари, чорвачилик иншоотлари, боғ ва токзорлар, кам унумли экин майдонлари, якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини ҳам савдога қўйиш мўлжалланган. Тўғрида, «ўлик мол» бўлиб ётган, қаровсиз автотранспорт воситалари, иншоотлар, кам унумли экин майдонлари ишбилармону тадбиркор кишиларнинг кўлига тегса, эл-юрт хизматига ярайди.

Сафарали АБДУРАҲИМОВ.

"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ВАЗИЯТ КЕСКИН

Венесуэла билан Колумбия ўртасидаги чегарада аҳвол тобора кескин тус олмоқда. Лекин сўнгги кунларда икки мамлакат чегарачилари ўртасида ҳеч қандай тўқнашув содир бўлмади, — деб баёнот беради Венесуэла миллий мудофаа вазири Моисес Ороско.

САВДО АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Япониядаги электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Мацусита Дэнки» компанияси Шарқий Европа давлатлари билан савдо алоқаларини кенгайтириш ниятида. Компания шу мақсадда кейинги йилларда бу ҳудуддаги дўконларини уч баробар кўпайтиришни режалаштирган. 1997 йилда Шарқий Европа мамлакатларида «Мацусита Дэнки» компаниясининг 750 та йирик дўконлари фаолият кўрсатади.

НАВБАТДАГИ СЕССИЯ БЎЛАДИ

Брюсселда Европа Иттифоқи таркибига кирадиган давлатлар ташқи ишлар вазирлари иштирокида навбатдаги сессия ўтказилади. Унда Европа Иттифоқи билан Россия Федерацияси ўртасида савдо ҳамда ҳамкорлик тўғрисида вақтинчалик битим имзоланиши кўзда тутилган.

ЁПИҚ ЭШИК ОРТИДАГИ УЧРАШУВ

Лондонда Буюк Британия, АҚШ ва Франция ҳарбий кучлари штаби бошлиқларининг ёпиқ эшик ортидаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Босния ва Герцеговинадаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Иштирокчилар беш соатдан кўпроқ давом этган мунозарадан сўнг журналистларга ҳеч қандай баёнот бермадилар.

ОМБОР УСТИДА УЛКАН СУНЪИЙ БУЛУТ

Рио-де-Жанейрога яқин оролдаги Бразилия ҳарбий-денгиз кучларига қарашли аслаҳахонада бир неча бор кучли портлаш юз берди. Маҳаллий телевидениенинг маълумотига кўра, портлаш 90 минут давом этган ва қурол-яроғ омбори устида улкан сунъий булут ҳосил бўлган.

МУҲИМ МАСАЛА МУҲОКАМАДА

Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг Женевадаги қароргоҳида Россиянинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқ борасида қабул қилинган халқаро аҳдномаларга қандай риоя қилаётгани масаласи муҳокама этилмоқда. Россия делегацияси раҳбари адлия вазири Валентин Ковалёв муҳокама чоғида «Чечнистон муаммоси хусусидаги ҳеч нарса ҳуфия тутилмаслигини, Россия амалий мулоқотга тайёр»лигини таъкидлади.

ЖАЗИРАМА ҚУРБОНЛАРИ

Америка Қўшма Штатларида бу йил ёз жуда иссиқ келди. Маълум бўлишича, жазирама ёз ва юксак ҳарорат натижасида руй берган фалокатлар оқибатида ҳалок бўлган американликлар сони 202 нафарга етган.

ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Мексиканинг АҚШ билан чегарадош Сьюдад-Хуарес шаҳрида АҚШ маъмуриятининг Техас штатида радиоактив чиқиндиларни қўмиш ҳақидаги қарорига қарши оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш иштирокчилари Рио-Гаранде дарёсидан 25 километр узоқликда бўлган Сьерро-Бланко туманида йирик «ядровий қабристон» қуриш лойиҳасининг амалга оширилиши инсонлар саломатлиги ва атроф-муҳит учун ғоят хавфли оқибатларга олиб келишини таъкидладилар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

МАҚСАД ЖАЗОЛАШ ЭМАС...

Солиқ тизимининг такомиллашуви давлатимиз қудратини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Албатта, ҳар соҳанинг ўз мутасаддилари бўлгани каби, туман ҳудудида солиқ олиш, бу борада қонунчиликка риоя этилиши каби масалаларни мунтазам назорат қилиш инспекциямиз зиммасида. Лекин биз бу ишда жойлардаги фаолларимизга, кенг жамоатчиликка таянмасак идорамиздаги 27 нафар ходим ҳудуди олисолисларга ястаниб кетган Фориш туманини тўлиқ қамраб ололмасликлари турган гап.

Албатта, ишни қай тахлитда ташкил этишимизга ҳам боғлиқ. Агар биз бир бошидан жазолашга тушиб, инспекция идорасини «жарима маскани»га айлантирсак кўзланган мақсадга эришиш қийин. Шифокорлар тилида «Касални даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул» деган ибора бор. Шу маънода биз ҳам меҳнат жамоалари билан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, учрашув ва мулоқотларда давлат солиқ тизимининг аҳамиятини баён этиш йўлидан боряпмиз. Чунки аҳолининг ҳуқуқий билими, янги қонунлар ҳақидаги тушунчаси жуда ям тўлиқ деб бўлмайди. Шу боисдан ҳам одамлар билан ишлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика солиқ органларини келажакда мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар асосида иш юритяпмиз. Бир ташкилотда йўл қўйилган хато тумандаги бошқа жамоалар учун ҳам сабоқ сифатида баҳоланади. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролардан солиқ олиш бўйича тузилган режа 118,6 фоиз бажарилди. Ёки бўлмаса, режадагидан 1 миллион 263.900 сўм ортиқ солиқ тушумига эришилди. Ҳозирги пайтда 36 та ташкилот, 330 нафар якка тартибда фаолият кўрсатаётган фуқаро назоратимизда турибди.

Албатта, айни пайтнинг ўзида солиқ тизимида ишлаётган ходимларимиз малакасини ошириш ҳақида ҳам ўйлаяпмиз. Шу мавзуда семинарлар ўтказишни кўнглимизга тугиб қўйдик. Текшириш шуни кўрсатдики, шу йил 13 та ташкилотда солиқ қонунлари бузилишига йўл қўйилган. Бу туман бюджетига 66 минг сўм ўз вақтида тушмаганлигини билдиради.

Абдимўмин ЖЎРАБОЕВ,
Фориш туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

ТАШКИЛОТ

Пахта, пахта толаси, пахта калавасини

СОТИБ ОЛАДИ

Пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга:
— Германия ва Австрияда ишлаб чиқарилган музлатгич пештахталари;
— Озиқ-овқат, қандолат ҳамда вино-арақ маҳсулотларини

СОТАДИ

Маълумот учун телефонлар:

45-70-65, 45-55-65.

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан сиғими 50 кг. ли полипропилин қопларни пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Телефонлар: 44-23-13, 44-31-36.
Манзилгоҳ: Тошкент, А. Қодирий кўчаси, 7-а уй, 309-хона.

Иқтисодиёт ва экология

ҲАМ ТОЗАЛИК, ҲАМ ФОЙДАЛИ

Ҳар кунлик манзара: кўп қаватли уйлар орасидаги уйилиб кетган чиқиндилар ёнига ахлат ташувчи машина келади. Контейнер бўлса-ку, яхши-я, акс ҳолда, белкуракларда чиқиндилар ортилади. Машина яна йўлга тушади.

— Энг охирги манзил қаерда? — сўраймиз ҳайдовчидан.

— Қаерга бўларди, ахлатхонага олиб бориб ташлаймиз-да...

Бир қараганда ҳаммаси рисоладагидек. Маиший чиқиндилардан ўз вақтида қутулиш даркор.

Маълумки, Тошкентдек шаҳри азимда экологик ҳолатнинг оғирлиги сир эмас. Бу ташвишни биргина чақириқлар, фармон ва жарималар билан ўзгартириш мушкул. Тошкентни — биз яшаётган умумий хонадонимизни покиза тутиш, ҳаво, сув ва тупроғининг ифлосланишига йўл қўймаслик ҳар бир одамнинг инсоний бурчи. Минг афсуси, буни биз кўпинча унутиб қўймоқдамиз. Махсус ажратилган жойлардан чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилмаётир. Бу антисанитария ҳолатини келтириб чиқаради. Устига устак, одамларнинг лоқайдлиги ва бепарволиги туфайли турли жойларда қўлбола ахлатхоналар ҳам пайдо бўлмоқда. Катталарнинг бепарволик дарди фарзандларимизга ҳам юқяпти. Шу боис улар дуч келган жойга чиқиндиларни ташлашмоқда. Натижада шаҳримиз ҳуснини бузаётган, истиқомат жойларида кишининг таъбини хира қилаётган ахлатхоналар қўзиқоринда кўпаймоқда.

Пойтахтни айланганимизда Ҳамза туманида, Қўйлиқ бозорининг шундоқ қина қаршисидаги кўп қаватли уйнинг ёнида ярми бузилган собиқ гуруч тозалаш комбинатининг биносига дуч келдик. Суратчи мухбиримиз Абдувоҳид Тўраев олган суратда кўриб турганингиздек, ушбу иншоот кўпдан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги натижасида унинг ҳудуди турли чиқиндилар маконига айланиб кетган. Бу ҳам етмагандек канализация ва сув қувурлари люклари ҳам очиқ. Инсон ҳаёти учун ўта хавфли бўлган жойда шу атрофда яшовчи болалар ўйнамоқда.

Ишлаб чиқариш жараёни натижасида ҳосил бўлаётган заҳарли чиқиндиларга келсак, уларнинг айрим қисми корхоналарнинг ҳудудларида сақланмоқда. Маълум қисми эса шаҳар ахлатхонасига олиб чиқилган. Бундан ташқари, корхоналар омборхоналаридаги махсус қутиларида ишлатиб бўлинган люминецет лампалар сақланмоқда. Ҳолбуки, кўп йиллардан буён заҳарли чиқиндиларни кўмиш учун махсус майдон ажратилмаган. Бу эса атроф-муҳитнинг ифлосланиши борасида нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ғарбнинг етакчи мамлакатлари тажрибаси кўрсатишича, маиший чиқиндилардан самарали фойдаланиш мумкин. Бу ҳам тозалик, ҳам даромад келтирмоқда. Мисол учун Швейцарияни олайлик. Ҳисоб-китобларга қараганда, ўрта статистик фуқаронинг ахлат челагида бир йилда 300—350 килограмм чиқинди ҳосил бўларкан. Шундан учдан икки қисмини хилма-хил ўраш қоғозлари, 11 фоиздан ортиғини синтетик материаллар, олти фоизга яқинини шишалар, 5,5 фоизини металл, тахминан тўрт фоизини ёғоч, салкам уч фоизини эса тўқимачилик буюмлари ташкил этаркан.

Шулардан кўпини швейцарияликлар махсус технологиялар ҳисобига яна ишга солишаркан. Тўғри, қаттиқ маиший чиқиндилардан фойдали компонентларни саноат йўли билан олиш технологияси янги ва мураккаб бўлиб, арзон ҳам эмас. Лекин жўн бўлган усул билан уйғунлаштириш йўли, яъни қоғоз, металл, шиша, пластмассаларни алоҳида-алоҳида тўплаш юқори натижалар бермоқда.

Швейцария матбуотининг гувоҳлик беришича, мамлакатда шиша ишлаб чиқаришнинг 60 фоизи тўпланган синиқ шишалар ҳисобига тўғри келаркан. Ишлатилган қоғозлар эса тегишли ҳом ашё балансининг ярмини ташкил этади. Шу ўринда бир нарсага эътиборингизни тортмоқчимиз. Шаҳримиз бозорлари, дуконлари етти иқлимнинг турли маҳсулотлари билан тўлиб-тошмоқда. Айниқса, кичик банқалардаги турли шарбатлар ва ичимликларни айтмайсизми. Улардан бўшаган идишларни дуч келган жойда кўплаб ётганини кўриш мумкин. Бу идишлар озиқ-овқат саноати алюминийсидир. Баҳоси ҳам арзон эмас. Наҳотки уни тўплаш, қайта ишлаш учун Американи яна кашф этиш зарур бўлса. Ахир бу оёғимиз остида ётган хазина-ку. Шу ишга қўл урган тадбиркор ҳам савобга, ҳам даромадга қолган бўлурди.

Маълумки, 1976 йилда қурилган Тошкент маиший чиқиндилар тажриба заводи йилига 160 минг тонна чиқиндини қайта ишлашга мўлжалланган эди. Афсуски, технологик нуқсонлар кўплиги сабабли у 19 йилдан буён қўққайиб турибди. Яқин орада унинг маиший чиқиндилар остида қолиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. «Автодормехбаза» автомашиналари эса унинг ёнидаги ахлатхонага маиший чиқиндиларни олиб келиб тўкмоқда. Улар орасидаги азот, углерод оксиди, олтингугурт диоксиди, қўрғошин, рангли металлар, ишлатилган автошиналар, турли суюқ ёқилғи қолдиқлари бульдозерлар ёрдамида текисланмоқда. Ҳолбуки, бу чиқиндилар биргаликда турли кимёвий қоришмага айланиб, ер ости сувларини заҳарламоқда.

Куриниб турибдики, маиший чиқиндиларни жойлаштириш ва уларни қайта ишлаш долзарб, асло кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланган. Ушбу муаммонинг ечилиши мамлакатимиз пойтахтига тозалик, айни чоғда фойда келтириши турган гап.

Обид МАХИРОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ИТТ ва экологик ташвиқот бўлими бошлиғи.
Ёқин НУРИДДИНОВ,
шу қўмита давлат инспектори.
Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Табиат ва инсон

МАКОНИНГ ҚАЙДА, ЛАЙЛАКЖОН?



Ривоят қилишларича, қадим замонда одамлар орасида меҳр-муҳаббат кўтарилиб, бир-бирига нисбатан адоват кучайибди. Бундай жойда уруш-жанжал бўлиши, файзу барака кўтарилиши ҳаммага аён. Бир неча қабила, элат орасида бошланган бу уруш аста-секин бутун бир ўлкани ўз домига тортибди. Уруш ва адоват шунчалик шафқатсиз ва узоқ давом этибдики, нафақат одамзод, балки бу урушдан табиат ҳам катта озор чекибди. Урушнинг оқибати, чанг-тўзонлар гирдобида ўт-ўланлар ўсмай қолибди. Бутун мавжудот: парранда-ю, ҳайвонлар қайларгадир бош олиб кетибди. Фақат ўқ овозлари-ю одамларнинг йиртқич овозига ўхшаш бақир-чақирлари қолибди. Бу жангларда одамлар, кексаю ёш, аёлу болачақа бамисоли қумурсқадек қирилиб кетибди.

Оқибатда шу ўлканинг сўнгги вакиллари икки қабила қолибди. Улар жангга қаттиқ тайёргарлик кўра бошлашибди. Шунда кўпни кўрган нуроний бир отахон икки қабила бошлиқларини ҳузурига чақирибди.

— Азиз фарзандларим, икки улуснинг йўлбошчилари, мен ҳаётнинг аччиқ-чучугини сизлардан кўра кўпроқ татиганман. Урушнинг нима эканлигини яхши англайман. Бу сўнгсиз урушдан дунё безор бўлди. Ҳайвонлар у ёқда турсин, ҳаттоки аёлларимиз насл қолдиролмаяпти. Мана, икки қабила қолдиларингиз. Жангда албатта, бирингиз мағлуб бўласиз. Хўш, ўшанда сизнинг ғолиблигингизни ким кўради, ким нишонлайди? Рақибингиз енгилгач, ўрганган кўнглингиз тусаса, сўнг бир-бирингизни, қариндош-уруғингизни бир бошдан қиличдан ўтказасизми? Наҳотки, яшашдан маъно ва мақсад шу бўлса. Келинглар, барча гина ва адоватларни унутиб, тинч-омонликда яшайлик. Зурёдлар дунёга келсин, улар ҳаёт гаштини суришсин!..

Бу гаплар қабила бошлиқларини узоқ ўйга толдирибди. Худо улар қалбига инсоф ато этибдими, ҳар нечук урушни тўхтатишга, тинч-омонликда яшашга қўл беришибди. Ўқ ва шовқинлар, қирғину даҳшатларга кўникиб қолган оломон шу кечани бедор ўтказибди. Тонгга яқин ажойиб бир ҳолат рўй берибди. Улкан дарахт бошига бир парранда келиб қўнибди. У ўзидан бамисоли нур таратаётгандек атрофни ёритиб юборибди. Болалар-ку майли-я, ҳатто катталар ҳам бу оққушга ўзгача бир меҳр билан қарашибди. Дарахт тепасида узун оёқларига суянганича атрофга хотиржам ва бамайлихотир кўз ташлаб турган бу парранда ОҚ ЛАЙЛАК экан.

Ривоятлар ўз-ўзидан дунёга келмайди. Унинг замирида ҳаётий ҳақиқат, ота-боболарнинг ўгитлари мужассам. Юқорида айтилганидек, тинчликнинг биринчи кунида лайлакнинг учиб келиши бежиз эмас. Шунинг учун ҳам биз лайлакни орзу-умидлар, файзу-барака, тинчлик-омонлик тимсоли деб биламиз. Нима бўлганда ҳам лайлак ўзини инсонга яқин олувчи, ўта содда ва беғубор парранда. У қайда бўлмасин, одамлар гавжум масканларга уя қуради. Одамлардан асло чўчимайди.

Зоминда Лайлакуя деган қишлоқ бор. Эҳтимол, қачонлардир бу қишлоқ лайлаклар макони бўлгандир. Ҳозир унда лайлаклар уя қурмаслигини кўриб, қишлоқ номига ажабланиб муносабат билдирувчилар ҳақ. Лайлакуя қишлоғидан Ульянов шаҳри томон кетган асфальт йўл чеккасида устун (симёғоч дейилса тезроқ тушунилади) тепасида лайлак ин қурган эди. Ҳар йили баҳорда лайлаклар қайтиб келиб ана шу инда полопон очади. Баҳорнинг қуёшида она-бола лайлаклар баланд устун тепасида атрофга мағрур нигоҳ ташлаб турарди. Афсус ва надоматлар бўлсинким, бундан уч йиллар олдин унинг инини бузишди. Қизиғи шундаки, бу симёғоч устунларидан на алоқа, на электр симлари тортилган эди. Тўғриси, улар бекорчи устунлар эди. Балким, бу устун кимгадир керак бўлгандир. Лекин ким бўлса ҳам лайлак уясини бузгандан сўнг дашном эшитган бўлса керак, симёғочни олмади. Бузилган лайлак уяси ўрнига эса (ўз хатосидан андиша қилган бўлса ажабмас) автомашинанинг ғилдирагини ўрнатиб қўйди. Мана энди темир бетон устига ўрнатилган ўша «уя» — диска бўм-бўш. Унда гоҳ-гоҳ қарға-қузғунлар қўниб турганлигини кўриб қоламан. Бу бўм-бўш дискалар менинг назаримда лайлак уясини бузган кимсаларнинг меҳр-оқибатдан, одамийликдан, паррандаларга меҳр-шафқатдан қанчалар йироқ қалбидан бир нишонадек кўринади. Ана шу лайлаклар уч-тўрт йилдан бери келмайди. Шу йўлдан ўтар эканман, ҳар гал «маконинг қайда, қайларга учиб кетдинг, лайлакжон?» деб ўзимга-ўзим савол бераман.

Лайлак ўта ноёб ва хосиятли қуш эканлиги ҳақида яна бир ривоятга ўхшаш ҳақиқат. Бир киши оғир дардга мубтало бўлибди. Ҳеч қандай дори-дармон кор қилмабди. Шунда кимдир беморга оқ лайлакнинг гўштини едириш керак, дебди. Сувга чўкаётган киши хасга тармашган экан. Бемор дарҳол оқ лайлакнинг гўштини топиб келтиришни сўрабди. Беморнинг гапини икки қилиш қийин. Овчи топилгач, муддао айтилибди. Овчи умрида бирон марта лайлак тутмаган экан. Лекин бирор нарсалик бўлиш умидида бу ишга жазм этибди. Маълумки, лайлаклар баланд дарахт, симёғочларга ин қуради, унинг болаларини олиш қийин. Овчи ҳам осон йўлни танлабди: полопонлари олдига учиб келаётган она лайлакни отибди. У дарҳол ўлжани эгаларига элтибди. Беморнинг оға-инилари овчига ёвқараш қилармиш, ҳазарланармиш. Чунки овчи она лайлакни отган пайтидаёқ унинг бутун бадани оқариб кетган экан...

Бу лайлакка озор берган, унинг жонига қасд қилган кишига Тангри томонидан юборилган жазо бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам биз ҳайвонотга озор бермаслигимиз керак. Инсон — олий мавжудот. Ҳайвонот олами бизнинг кўмагимизга, меҳримизга муҳтож. Биз ҳар доим ҳам уларга нажот қўлини чўзяпмизми? Унда нега «Қизил китоб» дунёга келди. Бу «Қизил китоб» бизнинг маълум маънода тошбағирлик, эътиборсизлигимизнинг белгиси эмасмикан? Қайсидир ҳайвонларнинг қирилиб кетишига ахир биз сиз билан биз сабабчимиз-ку! Атрофга хушёрроқ боқайлик. Ҳайвонот дунёси бизнинг бебаҳо мулкимиз. У бизларга ота-боболардан мерос қолган. Биз уларни келгуси авлодга қолдиришмиз керак..

Зеро, ҳайвонотни асраш миллий удумларимизда, қадриятларимизда, тарбиямизда бор.

Лайлаклар, оқ лайлаклар, Мен уларни жуда севаман. Уларни шундоққина ҳовлига, қишлоқларимизнинг одамлар гавжум масканларига ин қуришини истайман. Шунда яна болакайлар дунёни бошига кўтариб»Лайлак келди, ёз бўлди» дея севиниб қўшиқ айтишади. Лайлаклар эса ўзи билан бирга эзгулик, омонлик, файзу-баракалар олиб келишади.

Абдусаттор СОДИҚОВ.

Суратда сизга қулиб турган бу оқ халат соҳибаси Дилфуза Кенжаева бўлади. У Наманган шаҳар тиббий ёрдам шифохонасининг малакали ҳамширасидир. Дилфузахоннинг муолажаларидан наф кўрган беморлар уни доимо дуо қилишади. «Олтин олма, дуо ол...» дейишгани шу бўлса керак-да.

П. АКБАРОВ олган сурат.

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН"..

ОЛТИН КОНИГА 40 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Жаҳон банки гуруҳига кирувчи халқаро молия корпорацияси Қирғизистондаги Қумтор олтин конини ўзлаштириш учун 40 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди. «Қирғизолтин» давлат концерни ва Канаданинг «Комеко» корпорацияси биргаликда амалга ошираётган ушбу лойиҳа 1997 йилда ниҳоясига етади.

ЁЛҒОН ХАБАР РАД ЭТИЛДИ

Россия оммавий ахборот воситаларининг «Иссиқкўл атрофида радиация миқдори кўпайиб кетгани» ҳақидаги хабари ҳақиқатга зиддир, деди республика санэпидемстанцияси бош врачи К. Ўмуралиев. Кўл атрофидаги вазиятни ўрганиб чиққан махсус давлат комиссияси ҳам бош врачнинг айтганларини тасдиқлади.

НАРХЛАР ЭРКИНЛАШДИ

Тожикистонда июль охиригача нархлар тўла эркинлаштирилади. Республика Бош вазири Жамшид Каримов жаҳон банки миссияси вакиллари билан учрашувда шуни маълум қилди.

Бош вазир мамлакат ҳукумати республика халқ хўжалиги мажмуасини иқтисодий ислоҳ қилиш юзасидан талай ҳужжатлар тайёрлаб қўйганини таъкидлади. Улар орасида хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштириш, маҳсулот-хом ашё ҳамда жамғарма биржаларини барпо этиш ва улар ишини жонлантириш, шунингдек, нархларни тўла эркинлаштириш юзасидан дастур мавжуд.

Айни пайтда Тожикистонда нон ва нон маҳсулотларига давлат қарзлари бериш амал қилмоқда.

ИНДОНЕЗИЯГА САФАР

Қирғизистон Президенти Аскар Акаев давлат ташрифи билан Индонезия пойтахти Жакартага келди. Сафар давомида А. Акаев Индонезия раҳбари Сухарто билан учрашиб, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади. Шунингдек, мамлакатлар ўртасида ташқи савдо, сармоя, солиқ сиёсати ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида бир қанча ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Қирғизистон Президенти Индонезия сафаридан сўнг Малайзия ва Филиппин давлатларига ҳам ташриф буюради.

ДИЛ ДИЛГА ЯҚИН

Яқинда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси котибияти санъаткору ижодкорларни бир-бирларига яқинлаштирувчи халқаро «Навруз» фестивалининг нуфузини кутариш, уни яна минтақавий анжуманга айлантириш мақсадида Марказий Осиё мамлакатларининг театр арбоблари уюшмалари ва жамоат ташкилотларига мурожаат этди. Театр анжуманини «Туркистон — она юртимиз» умумий шиори остида ўтказиш мўлжалланяпти.

Театр жамоаларининг яна бир анъанавий анжумани бор. У ҳам бўлса қўғирчоқ театрларининг халқаро фестивалидир. Ҳар икки йилда ўтадиган бу анжуманда барча Марказий Осиё республикалари фаол қатнашади. Шу йилнинг октябрь ойида у бешинчи маротаба Тошкентда ўтказилади.

Фестивалларидан мақсад — театрларда миллийликни тиклаш, бадиий талқинларни такомиллаштириш, шу билан бирга санъат воситасида халқларни яқинлаштиришдир.

Энг асосийси, саҳнада ўзимизнинг қозоқ, қирғиз, туркман, тожик биродарларимизга яқин бўлган қаҳрамонлар акс эта бошлади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЎЗБЕКИСТОН - АМЕРИКА "АЛ ФАРОСАТ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Америкадан тўғридан-тўғри қуйидагиларни ФАҚАТ СИЗЛАР УЧУН етказиб беради:

— SAMSUNG ER-100, ROVAL-125 NX назорат касса аппаратларини;
— нақд пулга назорат касса аппаратлари учун эни 57 мм.ли қоғоз;
— 486 DX 40, 486 DX 2 — 66 компьютерларини;
— компьютернинг бутловчи қисмларини;
— компьютер ҳамда телефон электр симларига мўлжалланган махсус ғилофларни

"АФРОСИЁБ" фирма дўконидан СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Мўлжал: А. Навоий номли театр қаршисидаги "Афросиёб" дўконидаги "Ал Фаросат" махсус бўлими.

Қўшма корхона компьютерларни ҳамда назорат касса аппаратларини ўрнатиш, созлаш ва кафолатли таъмирлаш ишларини амалга оширади.
Бизнинг асбоб-ускуналаримиз сифат сертификатларига тўлиқ жавоб беради.
Америка компьютер техникаларининг энг яхши намуналарини фақат биздан топишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 36-55-18, 33-91-92, Тел/факс: (3712) 36-73-44.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича кундузги ва сиртқи аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Иқтисодиёт назарияси.
2. Эконометрика ва статистика.
3. Молия ва кредит.
4. Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудит.
5. Халқаро иқтисодиёт.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй.

Телефонлар: 34-55-37, 34-32-04.

Мактуб йўлга чорлади

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Барча чигал воқеалар оддий нарсалардан бошланади. Масалан, даҳшатли тоғ кучкиларини етаклаб келувчи фалокатларга ҳам кўпинча мушт деккина битта тошнинг қулаши сабаб бўларкан. Шу мантиққа биноан бу галги машмаша ҳам жунгина бошланди. 02-60 ТНР давлат рақамли улкан «Мерседес-Бенц» юк машинаси «Синдоробод» жамоа хўжалигига қарашли иссиқхона олдига келиб тўхтади. Машинани кутишаётганди. 714 та яшикка жойлаштирилган шифобахш мевалар оҳиста юкланди. Лимонларни яшикларга солишганда улчашганди, шундай бўлса-да машинага юклангандан сўнг ҳам катта тарозида улчаб кўришди: 18632 килограмм. Ҳужжатлар ёзилди, имзолар қўйилди. Машина Чирчиқ озиқ-овқат комбинатига йўл олди.

Ҳар қандай олди-сотди жараёни шундай кечади. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам бирон-бир ғайритабиий ҳаракат йўқ. Аммо бу жуда пухта ниқобланган ният кўп ўтмай мева берди. Хўжаликнинг ўша пайтдаги раҳбари иссиқхона директори Келдибой Тоғаевни ҳузурига чорлаб, ҳол-аҳвол суради. Иссиқхонадаги ишлар билан қизиққан бўлди. Кейин муддаога кўчиб, сирли оҳангда деди:

— Келдибой ўғлим, ўша лимонларнинг ҳужжатларини олиб келгин, менда турсин... Ҳар хил гаплар айланяпти...

Кекса раиснинг гапини икки қилиш, маслаҳатига қулоқ солмаслик одобдан эмас. Шу ўй-хаёлда Келдибой Тоғаев 18632 килограмм лимонга ёзилган товар-транспорт накладнойини раисга олиб келиб берди. У раисга отасига ишонгани каби ишонарди. Зеро, бунақа муҳим ҳужжат ишончли қўлда тургани яхши эмасми, деб ўйлади

Одатда ҳисобхоналарда бунақа ҳужжатлар сон-саноқсиз булади. Хўш, нега айнан шу ҳужжатга қизиқиб қолишди? Ишқилиб бунинг тагида бир сир йўқмикин? Худди шу савол Келдибойни бироз ҳушёр торттирдию ўша ҳужжатнинг бир нусхасини ўзида олиб қолди.

Орадан кўп ўтмай иссиқхонада ғалати воқеалар содир бўлди: кўрсатмага биноан ҳисобхонадаги кирим-чиқим дафтари янгиланди. Ўша лимонга тааллуқли ишонч қоғозлари қаёққадир олиб кетилди. Хуллас, 18632 кг. лимоннинг изи йўқотилди. Шунда Келдибой шубҳаси бежиз эмаслигини англади.

— Раис бува, ахир бу...

«...Ахир бу ўғрилик-ку» демоқчи эдию, тили бормади. Чунки шундай муътабар кишини ўғри дейиш учун қанчалар журьат керак!

— Сен бу ишга бурнингни тиқма, бола,— дейишди унга.

Келдибой кўнглидаги гапини яшира олмади. Қаллоблик бугун бўлмаса, эртага, эртага бўлмаса индин фош бўлишини айтди. Хуллас, ораларидан ола мушук ўтди.

Аслида Келдибой Тоғаев каттанинг ишончли одамлари қаторида эди. Иссиқхона хўжалиги раҳбари сифатида обруйи ҳам чакки эмасди. Шу куни шайтон йўлдан урдими ёки катта миқдордаги ўғриликни кўриб-билиб турганлиги учун виждони чиламадими, ишқилиб раҳбар билан айтишиб қолди. Чакки қилди. Бу паккоклиги туфайли отанинг қаҳрига учради.

— Бор, қўлингдан келганини қил. Истаган жойингга ёз... Фақат ким билан олишаётганингни унутма,— деган даҳдагани эшитди.

Бояқиш Келдибой юзага келган вазиятдан чўчиб юрак ҳовучлаб юрган кезларда раис бирдан истеъфо бериб қолди. Сабаби — колхозда ёз-ёзу текшир-текширлар бошланиб кеттанди.

— Раиснинг зўғумидан қутулдим-ов,— деб ўйлади Келдибой ва ўзини эмин-эркин ишлашга шайлай бошлади.

Янглишган экан. Баттар бўлди. Хўжалик тепасига ота ўрнига ўғил келди. От ўрнини той босар деганларидек, ёш раис отасининг «иш»ларини оғишмай амалга ошира бошлади. Энг муҳими, Саидазим Синдоров раҳбарлик курсисига ўтиргач, падарининг сўзини икки қилган нобакорнинг танобини ториб, попугини пасайтириб қўйиш пайида бўлди. Бундай қилишга ундовчи бошқа сабаб бор эди: у бир кунмас-бир кун ясаб Келдибой Тоғаевнинг бўйнига 41.427.780 сўмлик моддий зарарни илиб қўйди. Биз бу ўринда тафтишчи шунча камомадни қаердан, қандай топгани ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз. Чунки тафтишчининг ҳавойи рақамлари вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган тергов-ли текширишларидаёқ совун пуфагидай ёрилиб кетди.

Вилоят прокуратураси тафтиш материаллари асосида К. Тоғаевга нисбатан жиноий иш қўзғашни рад этди. Чунки унинг ҳаракатларида жиноят аломи тафтишчиси А. Шодмонов далолатномаси ва кўрсатмасига асосан теплица хўжаликлари бирлаштирилиб битта йирик теплица хўжалиги ташкил этилсин.

Теплица хўжалиги директори К. Тоғаев ўз вазифасидан озод этилсин».

Ўз ўрнида ажабтовур ишлаб турган Келдибой Тоғаев ана шу қарор билан лавозимидан бўшатилди. Мана 15 ойдирки, у ишсиз. Ноҳақ ишдан бўшатилгани ҳақида туман ва вилоят ҳокимларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига неча бор мурожаат этди. Лекин натижа ҳеч нарсага ўхшамаяпти. Ҳеч ким унинг ҳақ-ноҳақлигини ўрганишга ҳам ҳаракат қилмаяпти. Ҳеч ким ишсиз қолган одамнинг ҳаётини ўйлаб ўтир

Спорт

ДАРДЛАРДАН ФОРИҒ ЭТАДИ

Тиббиётда шахмат киши руҳий фаолиятини даволаш воситаларидан бири эканлиги ўз исботини топган. Масалан, шахмат ички касалликлар институтида ва психиатрия институтида ишлаётган ходимларнинг ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ўзбекистонлик ва чет эллик мутахассислар ўртасида ўтказилган суҳбатлар, ҳамкорлик ишлари ва ҳамкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

«Кунларнинг бирида яқин танишим, касалхона бош ҳакими менга қўнғироқ қилиб, ҳузурига таклиф этиб қолди, — дейди Эдуард Ласкер. — Бордим, танишим юраги қаттиқ безовта қилаётган бир бемор билан шахмат ўйнашимни илтимос қилди. Кўндим. Бемор дурустгина шахматчи экан, икки-уч бор суришдик. Шунда беморнинг аҳволи кундан-кунга яхшилана борди... Мен бошқа шаҳарга кўчиб кетдим. Кейин билсам, ўша бемор мен кетгач, кўп ўтмай вафот этибди, у билан шахмат ўйнаган киши топилмагандир балки».

Шу ўринда ушбу сатрлар муаллифи бошидан ўтган бир воқеани ҳам эслашга эҳтиёж сезилгандек кўринади. Бундан 4—5 йил муқаддам Наманган шаҳрида ўтказилган анъанавий гул байрами дастурига шахмат кечаси ҳам киритилган экан. Менинг 25 тахтада бир йўла ўйин ўтказишим олдиндан эълон қилиб қўйилганди. Ўша кун арафасида меъдам сустлашиб қолди. Эртасига ҳам қўйиб юбормай турди. Таваккал қилиб истироҳат боғига йўл олдим. Шахмат ишқибозлари доналарини шай қилган ҳолда мени кутиб туришарди. Ўйинни бошладим. Бир соат ўтди, икки соат ўтди, оғриқ безовта қилмас, ҳатто хаёлимга ҳам келмасди. Ўйин олти соатга чўзилганди. Шунда ўзимни бироз енгил ҳис қилдим.

Бу ерда гап асосан шахматнинг инсон руҳиятига кўрсатадиган кучли таъсири тўғрисидадир.

Шахмат тожи учун расмий баҳслар ўтказила бошлаганига юз йил, биринчи жаҳон чемпиони Вильгелм Стейниц туғилган кунга 150 йил тўлиши муносабати билан баъзи манбаларни кўздан кечираётиб, ажиб маълумот ва хулосаларга дуч келиб қолдим.

Прагалик В. Стейниц нафақат биринчи жаҳон чемпиони, балки шахматда позициявий таълимотнинг яратувчиси ҳамдир. У ўз нуқтаи назарини 1889 йилда чиққан «Ҳозирги замон шахмат ўйини дарслиги»да кенг баён қилиб берган эди. Бу ерда биз ўша китобнинг энг қизиқарли бобидан парча келтирамиз:

«...Бизнинг замонда шахмат аҳлли кишилар орасида тобора оммалашиб, деярли ҳамма жойда уни фойдали машқ деб тан олмоқдаларки, аҳлий қобилиятга таъсири жиҳатидан у жисмоний гимнастиканинг баданни асраш ва ривожлантиришга кўрсатадиган кучига ўхшаб кетади. Бунинг устига шахмат билан шуғулланиш бизнинг назаримизда шахматчиларнинг жисмоний ҳолатига ва умрининг узайишига ҳам тўғридан-тўғри таъсир қилади. Кўпгина машҳур шахмат усталари ва адибларнинг жуда улуғ ёшга етиб, баъзи ҳолларда умрларининг охиригача аҳлий қобилиятларини сақлаб қолганликлари бежиз эмас. Бу ўйин ҳаваскорларининг ўртача умри, қанча ҳаёт кечириши мунтазам статистик кузатувдан ўтиб турувчи ҳар қандай бошқа соҳа кишиларникига нисбатан анча юқори эканлиги ҳисоблаб чиқилган. Шахмат билан шуғулланиш саломатликни асраш учун яхши одатларни тарбиялар экан — у айтарли равишда умрни узайтиришга ҳам қумаклашади».

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

Шатранж оламида

кишидан кўчирилганлиги инобатга олинса, унга ишонмоқ даркор. Бунинг устига Абдул Фатҳ: бу ҳақида машҳур тиб олими ар-Розий ҳам шундай деганлигини айтади.

Қулимизда машҳур америкалик шахмат устаси Эдуард Ласкернинг 1949 йил Нью-Йоркда нашр этилган қитоби турибди. Унинг бир жойида қадимги ҳакимлар шахмат кўп дардларга, чунончи юрак оғриғи, ич кетарга даво деганликлари қайд этилганди. Бу фикрнинг бир қадар тасдиғи сифатида муаллиф шундай воқеани ҳикоя қилади.

«Кунларнинг бирида яқин танишим, касалхона бош ҳакими менга қўнғироқ қилиб, ҳузурига таклиф этиб қолди, — дейди Эдуард Ласкер. — Бордим, танишим юраги қаттиқ безовта қилаётган бир бемор билан шахмат ўйнашимни илтимос қилди. Кўндим. Бемор дурустгина шахматчи экан, икки-уч бор суришдик. Шунда беморнинг аҳволи кундан-кунга яхшилана борди... Мен бошқа шаҳарга кўчиб кетдим. Кейин билсам, ўша бемор мен кетгач, кўп ўтмай вафот этибди, у билан шахмат ўйнаган киши топилмагандир балки».

Шу ўринда ушбу сатрлар муаллифи бошидан ўтган бир воқеани ҳам эслашга эҳтиёж сезилгандек кўринади. Бундан 4—5 йил муқаддам Наманган шаҳрида ўтказилган анъанавий гул байрами дастурига шахмат кечаси ҳам киритилган экан. Менинг 25 тахтада бир йўла ўйин ўтказишим олдиндан эълон қилиб қўйилганди. Ўша кун арафасида меъдам сустлашиб қолди. Эртасига ҳам қўйиб юбормай турди. Таваккал қилиб истироҳат боғига йўл олдим. Шахмат ишқибозлари доналарини шай қилган ҳолда мени кутиб туришарди. Ўйинни бошладим. Бир соат ўтди, икки соат ўтди, оғриқ безовта қилмас, ҳатто хаёлимга ҳам келмасди. Ўйин олти соатга чўзилганди. Шунда ўзимни бироз енгил ҳис қилдим.

Бу ерда гап асосан шахматнинг инсон руҳиятига кўрсатадиган кучли таъсири тўғрисидадир.

Шахмат тожи учун расмий баҳслар ўтказила бошлаганига юз йил, биринчи жаҳон чемпиони Вильгелм Стейниц туғилган кунга 150 йил тўлиши муносабати билан баъзи манбаларни кўздан кечираётиб, ажиб маълумот ва хулосаларга дуч келиб қолдим.

Прагалик В. Стейниц нафақат биринчи жаҳон чемпиони, балки шахматда позициявий таълимотнинг яратувчиси ҳамдир. У ўз нуқтаи назарини 1889 йилда чиққан «Ҳозирги замон шахмат ўйини дарслиги»да кенг баён қилиб берган эди. Бу ерда биз ўша китобнинг энг қизиқарли бобидан парча келтирамиз:

«...Бизнинг замонда шахмат аҳлли кишилар орасида тобора оммалашиб, деярли ҳамма жойда уни фойдали машқ деб тан олмоқдаларки, аҳлий қобилиятга таъсири жиҳатидан у жисмоний гимнастиканинг баданни асраш ва ривожлантиришга кўрсатадиган кучига ўхшаб кетади. Бунинг устига шахмат билан шуғулланиш бизнинг назаримизда шахматчиларнинг жисмоний ҳолатига ва умрининг узайишига ҳам тўғридан-тўғри таъсир қилади. Кўпгина машҳур шахмат усталари ва адибларнинг жуда улуғ ёшга етиб, баъзи ҳолларда умрларининг охиригача аҳлий қобилиятларини сақлаб қолганликлари бежиз эмас. Бу ўйин ҳаваскорларининг ўртача умри, қанча ҳаёт кечириши мунтазам статистик кузатувдан ўтиб турувчи ҳар қандай бошқа соҳа кишиларникига нисбатан анча юқори эканлиги ҳисоблаб чиқилган. Шахмат билан шуғулланиш саломатликни асраш учун яхши одатларни тарбиялар экан — у айтарли равишда умрни узайтиришга ҳам қумаклашади».

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

Халқаро мусобақа

УМИДЛИ САФАР

• Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари Малайзия сафарига жўнаб кетдилар.

Халқаро мусобақада иштирок этиш олдидан Қибрай спорт мажмуида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, республика футбол федерацияси президенти А. Муталов билан терма жамоа аъзолари учрашуви бўлди. Футболчи йигитлар халқаро мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга шай эканликлари ҳақида сўзладилар. Мамлакатимиз вакилларига Наманган вилояти спорт қўмитаси раиси Шокиржон Қорабоев бошчилик қилмоқда. Миллий терма жамоага Александр Иванков бош мураббий, Бахтиёр Ғофуров катта мураббий этиб тайинланган. Умидли сафарга йўл олган 18 нафар футболчи орасида Юрий Шейкин, Февзи Давлатов, Улуғбек Рўзимов, Нўъмон Ҳасанов, Олим Тиллаев, Степан Атоян, Азамат Абдураимов, Ойбек Усмонхўжаев, Равшан Бозоров, Игорь Шквиринлар бор. Футболчиларимиз ўз гуруҳларида Болгария ва Венгрия каби кучли жамоалар билан учрашадилар.

Биринчи лига

МУХЛИСЛАРНИ ҚУВОНТИРИБ

• Биринчи лига жамоалари мамлакат чемпионатининг иккинчи давраси ўйинларини давом эттирмоқдалар.

Бўлиб ўтган навбатдаги тур учрашувларидан кейин биринчи гуруҳда Урганч динамочилари 33 та очко билан пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашди. «Зарафшон» 29 очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Иккинчи гуруҳ вакиллари орасида «Ғазалкент» футболчилари мухлисларни қувонтирмоқда. Биринчи ўринда бораётган бу жамоа ҳисобида 31 та очко бор. «Кушон» 30 та очко билан иккинчи бўлиб турибди. «Чилонзор» ҳамда «Бағдодчи» жамоаларида 27 тадан очко жамғарилган.

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИККА ОИД РИСОЛА

Китоб жавонингизга

Халқимизнинг маънавий қадриятлари орасида оғзаки сўз санъати билан боғлиқ турли шаклдаги намуналар муҳим аҳамият касб этади. Бу маънавий қадриятларни ҳар томонлама ўрганиш, унинг замона учун хизмат қиладиган жиҳатларини очиш ижтимоий фан соҳаси вакиллари, хусусан, фольклоршуносларнинг олдида турган жиддий вазифалардан ҳисобланади. Ўзбек фольклори намуналарини дунё фольклоршунослиги расмий мезонига кўра тадқиқ этиш асосан ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодиёти билимдони, профессор Ҳоди Зарифдан кейин бошланди, дейиш мумкин.

Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги жанрлар тизими, таркиби ва ўзаро муносабатлари бўйича кейинги йилларда илмий тадқиқотлар майдонга келди. Фольклоршунос олим Саид Алимовнинг «Тарихий-фольклорий жараён ва жанрлараро муносабат» деб номланган рисоласи ўзбек фольклоршунослигида яратилган ана шундай тадқиқотдир. Рисола муаллифи ҳозирги кўриниш ва ҳолатларга келиб қолган фольклор жанрлари ҳақида илмий тасаввур қилиш учун ҳар бир жанрнинг тарихий тадрижи, ривожланиш манбалари ва маънавий вазифасини тарихий-типологик, структурал-типологик жиҳатдан аниқлаш масаласини ўртага ташлаб тўғри иш тутди.

Маълумки, тарихий-фольклорий жараён тушунчаси ўз моҳиятига кўра катта жараённи англатса ҳам бироқ жанрлараро муносабатда унинг аста-секин ривожланиш масаласи жанрлар тизимининг шаклланиши учун имконият яратганлиги рисолада қатор мисоллар орқали ўз исботини топган. Тадқиқотчи илмий-назарий муаммолар ечимига ҳозирга қадар таҳлил қилинмаган ёки фольклоршунослик эътиборидан қолиб кетаётган афсона, ривоят, нақл каби эпик жанрлар намуналари мисолида ёндошган. Айрим халқ эртакчиси, бахшиси ёки сўз устаси «буюртма» қилиб ёздирган фольклор намуналарини қадимий услуб ва анъанага мослаган ҳолда ижро этган ҳолатлар аниқ фактлар билан ўз ифодасини топган.

Фольклор жанрлари муносабатидаги табиий мослаштиришдан ташқари «махсус мослаштириш орқали юзага келган жанрлар» ҳақида кенг ва етарли фикрлар юритилган. Бу ҳодисаларни ўрганиш эса қадимий этногенетик жиҳатдан муайян ҳудудда яшаб келаётган халқларнинг хусусиятлари, уларга бевосита хос бўлган фольклор жанрларини сунъий равишда бошқа туркий эллар меросига қўшиб юбормасликнинг олдини олишга ёрдам беради.

Рисола муаллифи жанрлараро мослашув ҳодисаси ҳақида фикр юритар экан, бошқа халқлар тажрибасидан фойдаланиш масаласини ўртага қўяди. Англия фольклори учун миллий эпос ҳисобланган Робин Гуд ҳақидаги халқ афсона ва ривоятлари яратилганига 635 йил бўлганига қарамай, қандай ёзиб олинган бўлса, халқ ижрочилари қандай анъанада айтган бўлса, ҳозирги кунда ҳам ўша услуб ва анъанага путур етмаганлиги, унинг сюжет, мотивлари сунъий трансформацияга учрамаганлигини қайд этади.

Тарихий-фольклорий жараён ва жанрлараро муносабат рисоласи фольклоримизни тадқиқ қилишнинг Б. Саримсоқов, А. Мусақулов, М. Жўраев каби янги йўналишдаги илмий-текшириш услубини олиб кирган йўлда яратилганлиги билан диққатга сазовордир. Чунки, ҳар қандай мустақил давлатнинг ўз миллий меросига ёндашиш, ундан ўз мафкураси учун фойдаланиш анъанаси мавжудлигини эътиборга олса, фольклоршунос С. Алимовнинг бу илмий иши Ватанимиз илм-фани йўлида бажарилаётган янги йўналишдаги илмий-назарий рисола сифатида фольклоршунослигимиз хазинасини бойитишга муносиб хизмат қилади.

Қ. БЕКНАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

КУЛГУДАН ОЛАМ ЯШАРГАЙ

Заргар тунги қоровул қидирарди. У шу ишга ўтиш истагини билдирган одамга:

— Шуни ҳисобга олингки, тун бўйи бир жойда қимирламай ўтиришга тўғри келади, бу эса осон иш эмас, — деди.

— Ишонаверинг, мен ўрганиб кетганман. Яқиндагина беш йил «ўтириб» чиқдим.

***

— Фабрикамизда дарвоза олдида турадиган қоровул маҳсулот ўғирлаб кетаётган цех бошлиғини қўлга туширди. Уни ўша заҳоти ишдан ҳайдашди.

— Жудаям тўғри қилишибди, ўғрилар жазосини олсин!

— Қанақа ўғри? Қоровулни ишдан ҳайдашди.

***

— Ким нима деса деяверсин, спортнинг ажойиб тури — бу бокс!

— Сиз боксёрмисиз?

— Йўқ, мен тиш докториман.

***

Горбачев заводга ташриф буюриб биринчи дуч келган одамдан сўради:

— Сиз бу ерда кўпдан буён ишлайсизми?

— Тўрт йил бўлай деб қолди.

— Хўш, ишлар қалай?

— Мана, ҳурмат тахтасида осилиб турибман.

— Ростини айтингчи: сиз бир стакан ароқ ичгандан сўнг ишлай оласизми?

— Ишлолсам керак.

— Икки стакандан сўнг-чи?

— Ишлайман.

— Агар учинчисини ҳам сипқорсангизчи?

— Ахир ишлаяпман-ку...

***

Халқаро мусобақаларда шўро спортчиси болга улоқтириш бўйича янги жаҳон рекордини ўрнатди.

Муҳбир сўраяпти:

— Болгани шундай узоққа қандай улоқтирасиз?

— Агар менга ўроқни ҳам қўшиб беришса янада нарига ирғитардим.

***

— Биласанми, доктор менга бир кунда бир рюмкадан ичишга рухсат берди.

— Хўш, сен бу кўрсатмани бажаряпсанми?

— Албатта-да. Кунига бир рюмкадан 1999 йил ҳисобига ичяпман.

***

— Вақт — малҳам.

— Ҳа, шу сабабдан ҳам шифохона қабулларида кўп кутишга тўғри келаркан-да.

***

— Доктор, ростини айтингчи, бу шифобахш ўтлар қандайдир наф келтирадими?

— Бўлмасамчи! Яқинда ўғлимга дала ҳовли сотиб олдим, қизимга уй қураяпман.

ТАНТАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

Азал-азалдан меҳмондўст бўлиб келган Ўзбекистон заминида турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, аҳил истиқомат қиладилар. Миллатлар фақат дўстона муносабатда эмас, балки маданий-сиёсий муносабатларда ҳам ўз хайрихоҳликларини изҳор қилиб келганлар. Айни кунларда эса диёримиз узра «Манас» эпосининг минг йиллик тўйини нишонлашга оид тадбирлар ўтказилмоқда.

«Манас» қирғиз халқининг баҳодирлик, қаҳрамонлик ҳислатларини кенг қўйловчи эпос ҳисобланади. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан ўрин олган «Алпомиш», «Ғўрғўли» каби достонларидаги қаҳрамонлар жасорати тарғиб қилинганидек, «Манас»да қирғиз халқи баҳодирлари жасорати кўз ўнгимизда гавдаланади. Бу икки халқ эпосларининг келиб чиқиши, яратилиш тарихига минг йил тўлиши бугунги авлод вакиллари томонидан катта тантана қилинмоқда. Фикримиз далили сифатида Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги Мунак-Ардай қишлоғи, «Пахтаобод» маданият уйи, Найман фуқаролар кенгаши, қирғиз миллий-маданий маркази, Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалиги ҳамда 19-мактаб жамоаси ҳамкорликда уюштирган «Дўстлик-биродарлик» сайлини келтириб ўтишимиз мумкин. Мазкур тадбирда Андижон вилояти қирғиз миллий-маданий маркази раиси А. Алиев, уйғур маданий-маркази раиси Х. Мусаев, Ўш ва Андижон вилоятлари ҳокимликларидан ташриф буюрган вакиллар «Манас» эпоси минг йиллигининг кенг нишонланиши, дўстлик ва қон-қардошликни мустаҳкамловчи асослари борасида маърузалар қилдилар.

Тантаналар давомида қирғиз синфлари ўқувчилари ижросида қирғиз элининг тарихи бўйича баҳс ва театрлаштирилган бадиий-мусиқий чиқишлар намойиш қилинди.

Гулмира МУСАЕВА.

Тошкент фавворалари.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Ие, йўқ-е, наҳотки?

ТАХМИНЧИГА «ТОЙОТА»

АВСТРАЛИЯДА ғаройиб кўргазма бўлиб ўтди. Унда Японияннинг «Тойота» енгил автомашинаси соврин сифатида қўйилган бўлиб, унинг теварак атрофига турли мамлакатлар почта ёрлиқлари ёпиштирилган эди. Кўргазма шартига кўра, машинадаги ёрлиқлар сонини кўз билан чамалаб, тўғри айтиб берган киши ғолиб ҳисобланиб, унга «Тойота» бепул бериладиган бўлди.

Қизиғи шундаки, бу кўргазма-аттракционда 15 мингдан зиёд киши иштирок этган бўлишига қарамай, бирортаси ҳам ёрлиқлар сонини аниқ айтиб беролмади. Бироқ, ҳакамлар ҳайъати ҳақиқатга яқин сонни айтган кишига совринни совға сифатида беришга қарор қилишди. Шундай қилиб соврин Австралиянинг Кресвин шаҳрида истиқомат қилувчи Кристофор Келфид исмли кишига топширилди. У машинага 17422 та ёрлиқ ёпиштирилганлигини айтган. Ваҳолонки, машинада 17421 та ёрлиқ бор эди.

БОТИНКА ЮТГАН ЛАҚҚА

ДУНАЙ дарёсига чўкиб кетган кемада сув ости ишлари олиб бораётган ғоввос Василе Виштяну ғаройиб воқеанинг шоҳиди бўлди. Оёғидан қоронғу кема ичига нимадир тортқилаётганини сезиб қолди ва ўзини йиғиштириб олишга ҳаракат қилди, бироқ... Жуда бўлавермагач, ёнидаги пичоқ билан ботинкасининг ипларини кесиб юборди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, маҳаллий балиқчилар Дунай дарёсидан оғирлиги 100 кг. бўлган лаққа балиқни тутишди. Буни қарангки, унинг қорнидан ғоввоснинг ўша ботинкаси чиқди.

Агар шу лаққа тўрга илинмаганида Василенинг гапига ҳалиям ҳеч ким ишонмаган бўларди. Чунки ғоввоснинг ботинкаси 12 килограмм бўлиб, у тери, қўрғошин ва жездан махсус тайёрланганди.

40 ЙИЛЛИК ДОРИ ҚОҒОЗ

АМЕРИКАНИНГ Монтана штатига қарашли Шелби шаҳрида яшовчи Амелия Лефингел ўлимидан олдин кичик бир сумкачасини даволовчи шифокорига васият қилиб қолдирган эди. Унинг ўлимидан сўнг омонат «меросхўр»га топширилди. Шифокор сумкадаги меросни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Сумкада дўхтир ўз қўли билан ёзиб берган 40 йиллик рецептлар бор эди. Амелия хоним бу дори қоғозларнинг бирортасидан ҳам фойдаланмаган экан.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Сирдарё вилоят партия кенгаши биринчи котиби Т. Исмоиловга волидаи муҳтарамаси **Холбуви БОЙҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли «Ўзбекэлектртармоққурилиш» трести жамоаси трест бошқарувчисининг муовини Шамсиддин Худойбердиевга онаси **ОЙНИСА ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Яхшидан боғ қолади

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

• ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Раҳмон Рўзиматов Тошкент шаҳар ижроия қўмитасида ишлаб юрган пайтларидаёқ савобли ишларга қўл урарди. Хусусан, у «Мотамсаро она» ёдгорлик мажмуини барпо этишга муносиб ҳисса қўшган.

Ҳозир у нафақахўр бўлса ҳам тиниб-тинчимас қариялардан. Жумладан, Хазорасп туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида шинам дам олиш маскани барпо этишга бошчилик қилди. Урушга кетиб қайтмаганлар хотирасини абадийлаштириш ташаббуси билан чиқди. Айни пайтда Сталинград остоналарида жон фидо бўлган отаси Рўзимат Собиров хотирасини ҳам ўрнига қўйиб, фарзандлик бурчини адо этди. Яқинда у кўпчиликнинг севимли масканига айланган ўзига хос бу зиёратгоҳда ХДП ва хўжалик раҳбарлари билан бамаслаҳат юртга ош бериб, собиқ жангчилар руҳини шод этди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ФИРМА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Янгиобод даҳаси, Тоҳариқ кўчаси, 26.
Телефонлар: 95-56-80 - қабулхона зали,
98-47-92 - савдо зали,
98-47-95 - кўргазма зали.



АҚШ, ЯПОНИЯ, ИТАЛИЯ, ИНДОНЕЗИЯ, ТАЙВАНЬ ФИРМАЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Агар офисингиз кўриниши энг яхши жаҳон андозаларига мос келишини истасангиз, унда "Пойабзал ва спорт моллари" фирмасининг кўргазма залига ташриф буюринг. Биз сизнинг дидингиздаги офис мебели, канцелария моллари, телефонлар, офис гилами, поёндози, калькуляторларни таклиф этамиз.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗДА МУҲАЙЁ!

"МАРҒУБА ИНТЕРНЕШНЛ"
қўшма корхонаси

Россия резинотехника саноатининг йирик корхонаси — "Курскрезинотехника" акционерлик бирлашмасининг расмий дилери ҳамда Ўзбекистон Республикаси бозорига резинотехника маҳсулотларини етказиб берувчи вакили ҳисобланади. "Курскрезинотехника" акционерлик бирлашмасининг қуйидаги маҳсулотларини

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

— резина матоли конвейер тасмаси, узунлиги 95 м.гача, 3-5 қатламли;
— резина тросли конвейер тасмаси, узунлиги 300 м.гача;
— юқори босимли енглик (шланг), айланаси 10, 12, 16, 20 мм, узунлиги 150 м.гача, иш пайтидаги босими 28-16 МПа;
— ип ва металл спираль билан мустаҳкамланган енглик, шу жумладан, тракторлар, буғ ўтказиш, нефть ва бурғилаш ишларида фойдаланишга мўлжалланган енгликлар, айланаси 6 мм.дан 300 мм. гача, узунлиги 10, 20, 100 м; иш пайтидаги босими 4 МПа гача;
— А, Б, В, Г профилли (клиновий) узатиш тасмалари, узунлиги 630 мм. дан 4500 мм.гача.
— ясси узатиш тасмалари, узунлиги 23 м.гача;
— қўйма резинотехника буюмлари, шу жумладан, манжетлар, сальниклар, прокладкалар, зичлагичлар;
— рўзғорга мўлжалланган буюмлар.

Нархлар шартнома асосида.
Ҳақ тўлаш шакли — турлича.
1995 — 1996 йиллар учун буюртмалар тузамиз.
Бизнинг манзил: 700025, Тошкент, А. Қаҳҳор кўчаси, 48-"А" уй.
Алоқа учун телефон: **(3712) 54-06-11.**
Факс: **54-54-71.**

Ватанни ғанак ёйинларингиз!
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0286.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00. 1 2 3 4 5 6.